

А Ж Р И М

2024 йил март ойининг 13-куни жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди, ўз биносида очиқ, суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Рахимов,

Д.Раҳматованинг котиблигида, томонлардан Вобкент туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Тошов, Вобкент туман ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори А.Болтаев, маҳкум А.Пулатовнинг иштирокида, Вобкент туман ИИО Пробаця гуруҳининг маҳкум Пулатов Анваржон Ашуровичга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини бошқа жазога жазога алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси кўриб чиқилди.

Пулатов Анваржон Ашурович (Pulatov Anvarjon Ashurovich) – 1987 йил 31 май куни Вобкент туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2023 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан 4 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, Вобкент тумани, “Қурувчи” МФЙ, Ёшлик кўчасида яшайди.

Суд келтирилган иш ҳужжатлари ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Вобкент тумани ИИО Пробаця гуруҳи судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, тақдимномада маҳкум А.Пулатов муқаддам жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2023 йил 5 апрель кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” бандига назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, 4 йил озодликни чеклаш жазоси билан судланганлигини, маҳкум А.Пулатов, Вобкент туман ИИБ Пробаця бўлими томонидан 2023 йил 4 май куни ҳисобга олиниб, озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиб ва қоидалари таништирилган бўлса-да, маҳкум А.Пулатов 2023 йил 26 ноябрь куни тахминан соат 20:00ларда, спиртли ичимлиги истемол қилиб, кеч соат 22:00 ларда, яшаш уйига келиб, турмуш ўртоғи С.Ғайбуллаева билан жанжалашганлиги сабабли, ҳолат юзасидан ички ишлар бўлимига ҳабар берилганлигини, ҳолат юзасидан суриштирув олиб борилиб, А.Пулатовни тиббий кўриқдан ўтказилганда, маҳкум А.Пулатов спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича А.Пулатов жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди томонидан МЖТКнинг 194-моддаси 1-қисми ва 183-моддаси билан 7 сутка маъмурий қамоқ жазоси



тайинланганлиги сабабли, маҳкум А.Пулатов 2023 йил 27 ноябрь куни расман огоҳлантириш интизомий жазоси эълон қилинганлигини, маҳкум А.Пулатов бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2024 йил 8 март куни соат 21:56ларда, суд томонидан белгиланган чекланишларга риоя қилаётганлигини текшириш мақсадида, маҳкум А.Пулатовнинг яшаш манзилига бориб текширилганда, чеклаш тақиқ ва қоидаларини бузишда давом этириб, маҳкум А.Пулатов спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги гумон қилиниб, Вобкент туман марказий касалхонасидан тиббий кўриқдан ўтказилганда №1637-сонли мастлик ҳолатини аниқлаш ва тиббий баённомасига асосан унинг спиртлик ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланиб далолатнома расмийлаштирилганлигини, маҳкум А.Пулатовга бир неча маротаба огоҳлантиришлар эълон қилинган бўлсада, унинг тегишли хулоса чиқармай, суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиб-қоидаларига риоя қилмасдан келаётганлиги сабабли, суд томонидан тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум А.Пулатов ҳақиқатдан ҳам ИИО Пробация гуруҳи ходимлари уйига келиб текширганида уйда спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, турмуш ўртоғи билан жанжаллашганлиги сабабли туман суд томонидан етти сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, туман ИИО Пробация гуруҳи уни бир неча маротаба суд томонидан тайинланган чекловларга риоя қилиш тўғрисида огоҳлантирилганлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Вобкент туман ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори А.Болтаев келтирилган тақдимномани қувватлаб, маҳкум А.Пулатов бир неча марта огоҳлантирилганлигига қарамасдан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан келаётганлиги сабабли, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Вобкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Тошов маҳкум А.Пулатов унга қўйилган чекловларга риоя қилмасдан келаётганлиги сабабли, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 48¹-моддаси 6-қисмида “Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 116-моддасида қасддан оҳир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар ўташи белгиланганлиги сабабли, суд жазони умумий тартибли лонияларида ўташни белгилашни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 539,541-542-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Вобкент туман ИИО Пробация гуруҳининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳқум Пулатов Анваржон Ашурович (Pulatov Anvarjon Ashurovich)га нисбатан ўталмаган 3 (уч) йил 1 (бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Пулатов Анваржон Ашурович суд залидан қамоққа олиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги ЖИЭД 6-минтақавий ҳудуд 4-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2024 йил 13 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижро қилиш учун Вобкент туман ИИБ Пробация гуруҳига юборилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Бухоро вилоят судига шикоят, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Рахимов



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 16.03.2024



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 16.03.2024



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 16.03.2024



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 16.03.2024



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 16.03.2024

